

Қ А Р О Р
(маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида)

2026 йил январь ойининг 29 куни жиноят ишлари бўйича Тупроққалъа туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик этувчи шу судининг раиси И.Исмаилов, судья ёрдамчиси М.Ражабовнинг котиблигида, Тупроққалъа тумани ИИБ ЖХХ ҲПБ ПкИ капитан У.Назиев, фуқаро К.Якубовнинг иштирокида, Тупроққалъа туман ИИБнинг Якубов Қувончбек Камилжановичга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш ҳақидаги тақдимномаси кўриб чиқилди. 1-3-2213-2601/495-сонли иш ҳужжатларига кўра:

Якубов Қувончбек Камилжанович, 1980 йил 13 апрель куни Питнак шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 3 нафар фарзанди бор, маълумоти олий, “Дарвоза Сервиси” МЧЖда ишчи, муқаддам жиноят ишлари бўйича Мирза Улуғбек туман судининг 16.11.2021 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Қўнғирот туман судининг ажримига асосан ЖКнинг 74-моддасини қўллаб, ўталмай қолган 2 йил 6 ой 8 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, 22.12.2025 йилдаги жиноят ишлари бўйича Тупроққалъа туман судининг ажримига асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “в” бандига асосан ўталмаган 9 ой 14 кундан муддатидан илгари шартли равишта озод қилинган, Тупроққалъа тумани, “Саяпир” маҳалласида яшайди.

Суд, тарафларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш ҳужжатларини атрофлича текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Тупроққалъа туман ИИБ судга тақдимнома билан мурожаат қилиб, унда К.Якубов муқаддам жиноят ишлари бўйича Мирза Улуғбек туман судининг 16.11.2021 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Қўнғирот туман судининг ажримига асосан ЖКнинг 74-моддасини қўллаб, ўталмай қолган 2 йил 6 ой 8 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, 22.12.2025 йилдаги жиноят ишлари бўйича Тупроққалъа туман судининг ажримига асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “в” бандига асосан ўталмаган 9 ой 14 кун муддатидан илгари шартли равишта озод қилинганлигини, шундай бўлишига қарамасдан, ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан ҳуқуқбузарлик содир қилганлигини баён қилиниб, К.Якубовга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш сўралган.



Жумладан, К.Якубов 2026 йил 28 январь куни Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 113-моддаси 4-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир қилганлиги учун 20.600 сўм жарима жазоси тайинланган.

Шунингдек, К.Якубов 2026 йил 29 январь куни Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 56¹-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир қилганлиги учун 137.334 сўм жарима жазоси тайинланган.

Бундан ташқари, К.Якубов Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонуни таъсирига тушувчи шахс эканлиги, шунга асосан унга маъмурий назорат ўрнатилиши мумкинлиги тўғрисида расмий равишда огоҳлантирилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддаси 1-қисмида ўта оғир жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган, суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилган шахсларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш кўрсатилганлигини, муқаддам судланган К.Якубов ўта оғир турдаги жиноят содир қилиб, жазони ижро этиш муассасасидан озод этилгандан кейин бир йил ичида икки маротаба маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганлигини инобатга олиб, унга нисбатан маълум муддатга маъмурий назорат ўрнатилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонуннинг 6-7 ва 8-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Фуқаро Якубов Қувончбек Камилжанович (Yakubov Quvonchbek)га нисбатан 6 ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилсин.

Фуқаро Якубов Қувончбек Камилжановичга нисбатан маъмурий назорат даврида қуйидаги маъмурий чекловлар белгилансин:

- 1) сутканинг соат 22-00дан эрталабки соат 06-00гача бўлган даврида яшаш жойидан чиқмаслик;
- 2) спиртли ичимликлар ичишни тақиқлаш;
- 3) Тупроққалъ туман ИИБ ходимларининг рухсатисиз Хоразм вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;
- 4) рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойнинг 15 куни ички ишлар органига келиш.

Ушбу қарорни ижро қилиш Тупроққалъа туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Қарордан норози тараф қарор нухасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида Хоразм вилоят судига апелляция тартибида шикоят, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

И.Исмаилов

